ГЛОБАЛЛАШУВ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ

Ш.М.Асқаров, А.Алимов

В статье рассматриваются различные определения понятия “глобализация”, представлены различные философско-социальные точки зрения на данное явление.

In this article the author tries to discuss and promote his viewpoints on the notion of “globalization” and presents different philosophical and social opinions on this notion.

Глобаллашув атамаси дастлаб XX асрнинг 80-йиллари бошларидаги иқтисодий соҳада содир бўлган ўзгаришларни юзага келтирган омил сифатида америкалик олим Т.Левиттнинг "Гарвард бизнес ревью" (1983) журналида эълон қилган маколасида қўлланган эди. Кейинроқ, 1985 йилда Роланд Робертсон томонидан бу атама жаҳонни ягона бир бутун қилиш максадига қаратилган объектив жараёнлар мажмуи маъносида ишлатилди [5.881]. Ўша пайтдан бошлаб то ҳозирга қадар атамани турлича маъноларда қўллаш давом этиб келмоқда. Аксарият илмий тадқиқотларда глобаллашувни лотин тилидаги "globus" – шар ёки француз тилидаги "global" – энг умумий сўзлари билан боғлайдилар. Республикамиз олимлари ҳамкорлигида нашр этилган "Фалсафа комусий лугати"да эса "Глобал (умумбашарий) муаммолар" тушунчаси берилган. Унда бу тушунча (Французча global энг умумий)нинг ўз қўлами, қамрови жиҳатидан хилма-хил ва бутун ер шарига, инсониятга дахлдор бўлган муаммони англатиши таъкидланади [9.92]. Шунингдек, мазкур луғатда глобал муаммолар кенг маънода инсон ва табиат ўртасида ўзаро алоқаларнинг бузилганини англатиши айтилиб, бугун жаҳонда юзага келган глобал муаммоларнинг бир нечаси мисол қилинади.

Албатта, бугунги кунда жаҳон миқёсида юзага келган муаммоларга нисбатан "глобал" сўзининг қўлланиши ўринли. Аммо луғатда “глобаллашув” атамаси хусусида "кенг маънода инсон ва табиат ўртасида ўзаро алоқаларнинг бузилганлигини англатади" дейилгани, бизнингча, мунозаралидир. Зеро, “глобал” қамров кўламининг ғоят кенглигини ифодаловчи сифат бўлса, “глобаллашув” нафақат инсон билан табиат ёки иқтисодиёт, сиёсат кабилар муносабати, балки кишилик жамияти тараққиётининг бугунги босқичида юзага келган ижтимоий-иқтисодий-маданий ҳолатни англатади.

Гарчи “глобаллашув” атамасининг қўлланиши 80-йилларнинг ўрталарига тўғри келса-да, аслида, глобаллашув жараёнлари XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб турли даража ва кўринишларда мавжуд бўлган. Дастлаб у стихияли равишда кечган бўлса, маълум вақтдан кейин иқтисодиётни тараққий эттиришга қаратилган стратегик омилга айланган. Зеро, глобаллашув имкониятларидан кўпчилик манфаатдор бўлган ва бу жараённинг авж олиши XXI аср арафаларига тўғри келади. Мазкур ҳолат "глобаллашув" тушунчасига унинг амалиётда намоён бўлиш хусусиятидан келиб чиққан ҳолда илмий таърифини ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқараётгани ҳам табиий бир ҳолдир.

Юқоридаги луғатдан сўнг, 2005 йилда “Академия” нашриёти томонидан чоп этилган олий таълим бакалавриат боскичи учун “Миллий истиқлол ғояси” дарслигига “Глобаллашув жараёнларида миллий ғояга эҳтиёжнинг ортиши” мавзусининг киритилгани ҳам шу фикрни тасдиқлайди. Дарсликда мазкур атамага "Глобаллашув турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти, одамлар ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайишидир" [6.81] деган таъриф берилиб, француз тадқиқотчиси Б.Банди томонидан глобаллашув жараёнига берилган қуйидаги уч ўлчов келтирилган

- глобаллашув муттасил давом этадиган тарихий жараён;
- глобаллашув жаҳоннинг гемогенлашуви ва универсаллашуви жарёни;
- глобаллашув миллий чегараларнинг ювилиб кетиш жараёни [5.821].

Кўриниб турибдики, юқорида келтирилган ҳар иккала таърифда глобаллашув жараёнига хос бўлган хусусиятлар ўз ифодасини топтан. Ҳар иккала таъриф ҳам талабаларда бу жараён

ҳақида тасаввурлар шаклланишига ёрдам бера олади.

Жаҳон олимлари томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотларда "глобаллашув" тушунчасига турли таърифлар берилмоқда, ҳодисанинг ўзига нисбатан турли қарашлар ва муносабатларни билдириш давом этиб келмоқда.

Шунга қарамай, атамани ер куррасининг бир бутунлиги ва барча соҳаларнинг "ягоналигини" таъминлаш жараёни сифатида тушуниш устувор бўлиб қолмоқда. Жумладан, глобаллашувга жараён сифатида қараган рус олимаси И.Бурикова унга оид илмий карашларни умумлаштиришга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, глобаллашув масаласида мавжуд қарашлардаги учта жиҳатни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Билиш жиҳати: глобаллашув жараёни ҳакида нималар маълум.

2. Эмоционал жиҳати: бу маълумотларга қандай ёндашиш зарур.

3. Ахлоқий жиҳати: нима қилиш керак?

Унинг такидлашича, Санкт-Петербург университети олимлари глобаллашувни жаҳон сиёсий ҳаётидаги ҳокимиятнинг янги шакли сифатида тушунадилар. Бундай сиёсий ҳокимият шакллари, воситалари қуйидагилардир:

- информацион глобаллашув: информация соҳасидаги ўзгаришлар;
- иқтисодий глобаллашув: иқтисодий соҳадаги ўзгаришлар;
- минтакдвий глобаллашув: ҳудудлар ва чегаралар соҳасидаги ўзгаришлар;
- демографик глобаллашув: глобаллашувнинг асосий воситаси сифатида инсондаги барча асосий ўзгаришларни ўзига камраб олувчи ўзгаришлар.

Шунингдек, муаллиф буларнинг ҳар бирига хос хусусиятлар ҳақида батафсил фикр юритган [3.163].

Яна бир рус олими А.Г.Косиченко ҳам глобаллашувга жараён сифатида қараб, шундай ёзади: "Глобаллашув кўп улчамли жараён, у ўз таъсир доирасига турли усул ва воситалари билан барча соҳаларни қамраб олади". Унинг фикрича, "иқтисодиётнинг ўзига хос ҳукмронлик таъсири бугун жаҳон ҳаётининг барча соҳаларида намоён бўляпти" [10].

2006 йилда жаҳоннинг етакчи олимлари ҳамкорлигида глобаллашув ва унинг турли соҳаларга ўтказаётган таъсирини аниқлашга бағишланган “Глобалистика, международный междисциплинарный энциклопедический словарь” тайёрланиб, чоп этилди. Унда глобаллашув тушунчасига оид мавжуд турлича таърифлар берилиб, унинг таъсир доирасини аниқлашга ҳаракат қилинган. Жумладан, америкалик олим Т.Фридманнинг луғатда келтирилган фикрича, глобаллашув “совук уруш тизимини” алмаштирган янги тизим”дир [3].

Иктисодиётда кечаётган глобаллашув жамиятлар, мамлакатлар ва халқлар ҳаётига ўзининг ҳар томонлама таъсирини ўтказиб бормоқда. Шу жиҳатдан унинг ўз даврида жаҳонни қўрқувда тутган, инсоният тақдирига хавф солиб турган “совук уруш” жараёни билан тенглаштирилаётгани бежиз эмас. Энциклопедик луғат муаллифлари глобаллашув иқтисодиётга, сиёсатга, жаҳон миқёсидаги ижтимоий жараёнларга ўтказаётган таъсир кенг қамровли экани масаласида якдиллар. Шунинг учун ҳам луғатда унинг иқтисодиётга ўтказаётган таъсирига алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳақиқатан ҳам иқтисодиётдан манфаатдор бўлмаган инсоннинг ўзи йўқ. Бироқ шуниси аёнки, иқтисодиётдаги глобаллашув миллий маънавиятда ҳам ўз ифодасини топади. Афсуски, юқорида муаллифлар томонидан билдирилган фикрлардан кўриниб турганидек, глобаллашувнинг миллий маънавиятга ўтказаётган салбий таъсири ғарб олимлари эътибордан кўпинча четда қолмоқда. Амалда эса иқтисодий глобаллашув миллий маънавиятга салбий таъсир ўтказиши мумкинлигини бугунги кун воқелиги аён кўрсатиб турибди. Республикамиз раҳбарининг қатор нутқларида айни шу таҳдиддан огоҳлантириш борлиги ҳам бежиз эмас. Ўзбек олимларининг қатор ишларида ушбу масалага муносабат билдирилган, шу муаммони ўрганишга бағишланган махсус тадқиқотлар яратилди [10].

Ҳақиқатдан ҳам бугун глобаллашув бутун инсоният, айниқса унинг олий қадриятларидан бири бўлган миллатлар тақдирига солаётган таҳдидни "совуқ уруш" сиёсатига тенглаштириш мумкин (Т.Фридман). Республикамизда ҳам тадқиқотчиларимиз томонидан глобаллашув жараёнини ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Ҳали бу масалага бағишланган фундаментал тадқиқотлар яратилмаган бўлса ҳам, бир қатор илмий жиҳатдан пишиқ мақолалар эълон қилинганини таъкидлаш лозим. Жумладан, “Глобаллашув зиддиятлари” [2], “Адабиётда глобаллашув жараёни” [7], "Халқаро гло-

баллашувнинг чуқурлашуви" [4] ва бошқа мақолаларда унинг баъзи бир жиҳатлари ёритиб берилади. Айтиш жоизки, мазкур мақолаларда ҳам “глобаллашув” жараён сифатида талқин этилади. Уларда глобаллашувга, бир томондан, объектив омил, яъни турли соҳаларда содир бўлаётган интеграциялашувнинг натижаси, иккинчи томондан, субъектив омил, яъни катта иқтисодий салоҳиятга эга давлатлар кам тараққий қилган мамлакатларнинг ресурсларини турли йўл ва воситалар билан кўлга киритиш максадида амалга ошираётган тадбирлар натижаси сифатида қаралади. Хуллас, глобаллашув ҳакидаги қарашлар турли-туманлиги давом этиб келмокда. Бу табиий ҳол, чунки унинг макон ва замонда содир бўлиш хусусиятлари турлича, дунёнинг ўзгаришига ўтказаётган таъсирида ҳам янги-янги имкониятлари намоён бўлмоқда. Шу жиҳатдан қаралса, "глобаллашув" масаласида муаллифлар илгари сураётган турли фикрларга қўшилиш мумкин. Чунки ҳар бир муаллиф унинг турли соҳаларга ўтказаётган таъсирини тафаккур қилади ва уни турлича талқин этади.

Ҳақиқатда эса глобаллашувга таъриф беришда унга атрофлича кенг ва чукур ёндашмоқ, барча соҳаларга таъсирини назарда тутмоқ керак бўлади. Яъни глобаллашувнинг асл моҳияти ва ўтказаётган таъсир доирасини билиш учун уни барча соҳалар, жумладан ва айниқса, иқтисодиёт ва маънавият билан ўзаро боғлиқ жиҳатларини солиштириш мақсадга мувофиқдир.

Глобаллашувнинг бошланиш даври масаласида ҳам Ғарб олимларининг фикрларида турличалик бор. Жумладан, айрим олимлар глобаллашувнинг бошланишини мамлакатлар ўртасида эркин савдонинг йўлга қўйилиши ва натижада жаҳон иқтисодий ҳаётидаги ўсиш билан боғлаган ҳолда XIX аср ёки XX аср бошлари билан белгилайдилар. Уларнинг фикрича, Британия ўзининг денгиз, индустрия ва молиявий қудрати билан глобаллашув тўлқинининг биринчи босқичи кафолати бўлган. Айрим мутахассислар эса глобаллашувнинг бошланишини 1970-йилларнинг охирлари билан белгилаб, унинг информатика ва телекомуникацияда содир бўлган инқилоблар таъсирида бошланганини таъкидлайдилар.

Хуллас, глобаллашув масаласи, унинг моҳияти, таърифи, юзага келиш вақти ва сабаблари, жамият ҳаётининг турли соҳаларига таъсири, бу таъсирларнинг эҳтимолдаги оқибатлари каби долзарб масалалар мунтазам аниқлик киритиб бориш йўли билан тадқиқ этиб боришни тақозо этади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.- Т.: Маънавият, 2008
2. Баҳодир Зокир. Глобаллашув зиддиятлари.// Тафаккур.- 2004.-
3. Глобалистика. Международный междисциплинарный энциклопедический словарь.- Москва Санк- Петербург Нью-Йорк, 2006
4. Идиров У, Тошхўжаев С. Халқаро глобаллашувнинг чуқурлашуви. // Жамият ва бошкарув.- 2007.- № 2.
5. Гринин Л.Е. Глобализация и национальний суверенитет. // История и современность.- 2005.- №1
6. Миллий истиклол ғояси. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик.- Т.: Академия, 2005
7. Холбеков М. Адабиётда глобаллашув жараёни. // Тафаккур.- 2006.- № 4
8. Фалсафа. Қомусий луғат.- Т.: Шарк, 2004
9. Фалсафа. Қисқача изоҳли луғат.- Т.: Шарқ, 2004
10. http:// www. kisi/old/parts glovalez/ 12290 Icosil henko htmy
11. Юлдашева Ф. Глобаллашув ва миллий маънавият.- Андижон: Ҳаёт, 2010

Андижон давлат университети,
2012 йил 28 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Ф.Юлдашева)